

ШАМСИЕВ Ў.  
ШАМСИЕВА М.

ОИЛАВИЙ ХОЛДИНГ  
ВА ШАХС ГЕНЕЗИСИ

Тошкент- 2016

**ҮКТАМ ШАМСИЕВ  
МАНЗУРА ШАМСИЕВА**

**ОИЛАВИЙ ХОЛДИНГ ВА ШАХС  
ГЕНЕЗИСИ**

**Университетларнинг психология мутахассислиги  
талабалари учун услубий кўлланма**

**ТОШКЕНТ – 2016**

**УДК: 301153.4;33**

Мазкур услубий кўлланма университетларнинг психология мутахассислигидаги талабаларга мўлжалланган бўлиб, унда боланинг психик ривожланиши қандай омилларга боғлик эканлиги, оиланинг, оиласдаги шахсларо муносабатларнинг, холдинг тажриба ва оиласвий холдингнинг, мактабгача тарбия муассасаларининг роли қандай эканлиги ва бу борада қандай вазифаларни амалга ошириш лозимлиги ҳакида баён қилинган. Услубий кўлланмада боланинг психик ривожланишидаги энг муҳим давр – яъни мактабгача ёш даврида унга қандай муносабатда бўлиш лозимлиги тўғрисида илмий ҳамда амалий таҳлиллар кенг ёритиб берилган.

Ушбу услубий кўлланма Университетларнинг психология мутахассислари ўкув дастурига киритилган “Тараққиёт психологияси”, “Социал психология” каби маҳсус курсларни илмий-назарий ва эмпирик маълумотлар билан бойитади.

**Тақризчилар:**

1. ЎзМУ психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди А.И.Расулов;
2. Ўзбекистон давлат Жисмоний тарбия институти “Педагогика ва психология” кафедраси мудири психология фанлари номзоди, доцент Д.Н.Арзикулов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўкув-услубий кенгашининг 2016 йил 28 июндаги 6-сонли мажлис қарори билан нашрга тавсия этилган

## КИРИШ

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимида нутқ сўзлаб, жамоатчилик фикрини яна бир маротаба меҳрибон ва мунис оналаримизга, уларнинг тарбиячи сифатида ҳамда жамият тараққиётига қўшадиган ҳиссаларига қаратдилар: “... Соғлом бола соғлом ва аҳил оиласининг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади”, – дея таъкидладилар.

Дарҳақиқат, гўдакнинг ижтимоий муҳитга мослашиши, шахслараро муносабатларда ўз ўрнини топишида оила, оиласий муносабатлар, она-бала-ота учлиги ўртасидаги мулоқотнинг аҳамияти қанчалик катта эканлиги маълум. Бироқ бу масаланинг бир томони, бошқа томони эса гўдакнинг қанчалик физиологик жиҳатдан соғломлигига ҳам боғлиқ.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан оиласа тайёрлаш, оила қурилгунга қадар оила, соғлом она ва болаларга қаратилаётган эътибор юқорида таъкидланган болаларнинг ҳам физиологик, ҳам биологик, ҳам психологик жиҳатдан соғлом дунёга келишлари ва ижтимоий муҳитга жадал киришишларига замин яратмоқда.

Маълумки, боланинг шахс сифатида шаклланишига, унинг ижтимоийлашуви, яъни катта ҳаётга кириб бориши, одамлар орасида ўз ўрнини топишига хизмат қиласидиган асосий омил оила ва оиласидаги шахслараро муносабатлар эканлиги жуда кўп тадқиқотларда ўрганилганлиги манбаларда келтирилган. Бироқ оиласидаги ота-она, эр-хотин, опа-сингил, ака-ука муносабатлари ҳамда она, ота, опа, ака, укаларнинг бола шахси шаклланиши ва ижтимоийлашувидаги роли алоҳида тадқиқот доирасида кам ўрганилган. Шу муносабат билан бола ижтимоийлашуvida она шахсининг аҳамияти ҳақида ўзимизнинг айрим мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Бола туғилгунига қадар ва онтогенез даврида унинг шаклланиши ҳамда ривожланишида онанинг таъсири мавжудлиги маълум. Бола дунёга келиши жараёнида оиласидаги шахслараро муносабатлар, яъни ота-она муносабатлари, айниқса, онанинг психологик ҳолати, унинг ҳомиладорликка нисбатан муносабати муҳим ҳисобланади. Онанинг ҳомиладорлик вақтидаги руҳий ҳолати бола шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатиши ҳам кўп тадқиқотлар натижасида исботланган. Бироқ аёлнинг руҳий

холати ҳомиланинг жинсига нисбатан ҳам турлича таъсир кўрсатиши, яъни ўғил болага нисбан бошқача таъсир кўрсатса, киз болага нисбатан эса мутлақо бошқача таъсир кўрсатиши бугунги кунга келиб энди-энди маълум бўлмокда. Яна шуни айтиш мумкинки, онанинг руҳий ҳолати қиз болага нисбатан ўғил болага кўпроқ таъсир қиласи ва бу бола туғилганидан кейинги даврларда ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Шунингдек, боланинг эмбрионлик ва туғилганидан кейинги ривожланишида она-бала ва катталар алоқасининг мустаҳкамлиги ҳамда она самимийлигининг болага таъсири масаласи тадқиқотчилар диққат марказида турган масалалардан бири ҳисобланади.

Боланинг психик ривожланиши унинг руҳиятига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омилларга, хусусан, ундаги ўзликни англаш, ўзини-ўзи баҳолаш ҳамда ўзаро муносабатларнинг хусусиятига боғлиқ. Бу, энг аввало, инсон шахсининг психологик асосларини шакллантирувчи, унинг эмоционал-хиссий, интеллектуал, ижтимоий ва ижтимоий-психологик ривожланишига замин яратувчи онтогенезнинг дастлабки босқичларига тааллуқлидир. Бунда оиладаги муносабатлар, хусусан, ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шунингдек, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг моҳияти ва тавсифи катта роль ўйнайди. Оила ижтимоий гуруҳларнинг бирламчиси ҳисобланиб, болада ўзи ва ўзгалар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларини шакллантирадиган дастлабки муҳит сифатида ижтимоий аҳамиятга молик институтдир. Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Инсоннинг энг соғ ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир”.<sup>1</sup>

Ушбу қўлланманинг аҳамияти, шу нуқтаи назардан боладаги жамиятда, инсоний муносабатлар тизимида муносиб мақомга эга бўлишини таъминлайдиган энг дастлабки ижтимоий тасаввурлар ҳамда ўзи ва ўзгалар тўғрисидаги тушунчаларнинг шаклланишига оиладаги маънавий-руҳий муносабатларнинг ролини аниқ эмпирик маълумотлар билан асослашга бўлган даврнинг эҳтиёжидан келиб

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – снгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 – 52 б.

чиқади.

Кўплаб психологик тадқиқотларда оила бола шахсининг шаклланиши ва унинг ижтимоийлашувига таъсир кўрсатувчи омил сифатида баҳоланади. Лекин боланинг ўзи тўғрисидаги барча тасаввурлари шаклланишида у тарбияланадиган оиласидаги муносабатларнинг хусусиятлари, оила типлари ва ота-оналиқ мақомлари улар томонидан қай даражада англанишининг бевосита роли алоҳида тадқиқот доирасида Ўзбекистон шароитида ўрганилмаган. Бу масала амалий аҳамиятга молик бўлиб, "... инсон ўз умри давомида оладиган барча информациининг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олар экан".<sup>2</sup> Демак, шу информациялар орасида боланинг ўз "Мени"ни тўғри шакллантирадиган ва шу орқали уни ижтимоий психологик муносабатларга руҳан тайёрлайдиган маълумотларнинг манбаи ва таъсир кучини ўрганиш ёш ота-оналар ва оилашунослар учун ўта долзарб аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда жаҳон психологик илмида ҳам бола хулқатвори ва руҳиятининг шаклланишида оила ва ота-она муҳим рол ўйнайди, деган ёндашув етакчилик қиласди. Бошқа томондан, боланинг ривожланаётган шахс сифатидаги фаоллиги ҳам оиласидаги ўзаро муносабатлар хусусиятини белгилаб беради. Оиласида бола шахси ривожланишининг асосий йўналишларидан бири бу ундаги "Мен" концепциясининг шаклланиши бўлиб, бир қарашда бу соғ когнитив ҳолат бўлса-да, унинг манбаси ва шакллантирувчи омиллар оила муҳити ва ундаги ўзаро муносабатларнинг характеристига бевосита боғлиқдир.

Ижтимоий психологиянинг таркибий қисмларидан бири бўлган онтогенез психологияси психология мутахассислиги бўйича талабаларга "Умр даврлари психологияси" номи билан маҳсус курс сифатида ўкув режасига киритилган.

Ушбу услубий қўлланма мактабгача ёш давларининг психологик жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, ижтимоий психологиянинг шу қисмига тегишли маълумотлар босқичма-босқич иерархик кетма-кетликда жойлаштирилган.

Бу услубий қўлланма "Умр даврлари психологияси" номли маҳсус курсни янги маълумотлар билан бойитади ва талабаларга онтогенез психологиясининг дастлабки даврлари ҳақида зарур бўлган илмий, назарий ва эмпирик манбаларни тақдим қиласди.

<sup>2</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 – 53 б.